

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛЛАРДА ЎЗ “МЕН”ИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАР БИЛАН ТЎҒРИ МУЛОҚОТ.

Андижон давлат педагогика институти
Мақтабгача таълим факультети
Мақтабгача таълим педагогикаси ва психологияси йўналиши
101-гуруҳ талабаси
Холматова Зиёда Азизбек кизи

Аннотация: Ушбу мақолада болаларда нима учун “мен” тушунчасини шакллантириш кераклиги ёритилган. Шунингдек, ота-оналарнинг болалар билан тўғри мулоқоти, ота-оналар мулоқоти болаларга қандай таъсир кўрсатади? Ўз “мен”и шаклланган бола худбин бўлиб қолмайдими? Ёки айнан “Мен”и ривожланган боладан етук шахслар етишиб чиқадими? Ота-оналарнинг болалар билан гаплашиши қандай таъсир кўрсатади? Каби саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: “Мен” тушунчаси, Бола, Шакллантириш, Ота- она, Фарзанд, Танбех, ривожланиш. Болаларда тўғри мулоқот, Мени бироз тинч қой, Барибир эплотмайсан, Хақорат қилманг.

Болаларда нима учун “Мен” тушунчасини шаклланиши керак? Ўз “Мен”и шаклланган бола худбин бўлиб қоладими? Ёки айнан “Мен”и ривожланган боладан етук шахслар етишиб чиқадими? Фарзанд ота-онаси, яқинлари билан суҳбатлашгани сари ўзи ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиб боради. Энг асосийси, уни “Мен керакманми ёки йўқ?”, “Мени яхши кўришадими ёки ёмон?” каби саволлар қийнайди. Боланинг рухий ривожланиши учун у яқинлари томонидан тан олинishi муҳим. Болада ўз “Мен”и ривожланиши учун у билан мулоқим гаплашиш, унга этибор қаратилаётганини англаши муҳим ва зарур. Ана шунда бола ўзини оиланинг тўлақонли аъзоси деб хис қилади, ўзига ишонади.

Яна болани кўзгуга қараганида кузатинг, агар ўзидан хурсанд бўлса, кай-фияти яхши ва унда “Мен”и ривожланиш босқичида эканлиги маълум бўлади. Қизиғи, болада бу сифат шакллангани сари “Йўқ” сўзини кўпроқ ишлатади. “Мен ухламайман, мен боғчага бормайман, мен овқат емайман” каби инкор гаплардан кўп фойдаланади. Инкор қилиш боладаги “Мен”нинг ривожланиши учун ўзига хос тажрибадир. Кичкинтойнинг сўз бойлигида “Мен ўтираман”, “Менинг ўйинчоғим” “Мен қўғирчоқ ўйнайман” каби гапларнинг пайдо бўлиши боладаги “Мен”и шаклланаётганини билдиради. Болада ўзимники деган тушунча пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўртоқларига берган ўйинчоғини сўраб олади, қайтариб беришмаса, инжиқлик қилади.

“Мен”и ривожланган болада ҳамдардлик туйғуси ҳам ривожланади. Бола отасининг кайфияти йўқлигини сезади, уларга ўз ширинлигидан бўлиб бериши ёки онасини қаттиқ кучоғлаб ўпиб қўйиши ҳам мумкин.

Хўш, ота-она, тарбиячи боланинг “Мен”и ривожланаётган масъулиятли даврда унга қандай ёрдам беришлари мумкин? Болангиз қандай бўлса, уни шундайлигича қабул қилинг. Унинг гапларини кулгили бўлса ҳам жиддий қабул қилинг. Бола буюрган юмушингизни бажардими, уни мақтаб рағбатлантиринг. Ана шунда бола ўз мававқейини хис қилади. Гап бошлаганда “Сен” деб емас, балки “Мен ўйинчоқнинг овозига деб чидолмаяпман”, “тез ўйинчоқларингни йиғиштир” дейиш ўрнига “мен ўйинчоқлар тартиб билар турганида жуда хурсанд бўлиб кетаман”,- деб айтинг. Ҳар доим бола учун ростгўй бўлинг. Сиз ҳаммани алдашингиз мумкин, лекин ёнингиздаги ҳали руҳияти тўла шаклланиб улгурмаган болага ёлғон гапирсангиз унинг ўзига бўлган баҳоси пасайиши, қалби шикастланиши мумкинлигини унутманг. Танбех бераётганда “Сен ўзи доим..” деб гап бошламанг. Сизга ёқмаётган хатти-

харакатларини аниқ айтинг. Болангизни бошқалар кўз ўнгида танқид қилиманг. Бошқалар олдида фақат уларни макташ мумкин. Фарзандингизда ижодкорликнинг ривожланишига шароит яратиб беринг. Сурат чизиши, қуриши, ясаши учун керакли анжомларни олиб беринг. Лекин ўзи истамаётган бўлса, уни мажбурламанг. “Мен”и ривожланган бола келгусида мустақил ташкилотчи, ўзини хурмат қиладиган шахс бўлиб етишади.

Кўп ота оналар бола билан гаплашиш шартми, деб савол берадилар. Бола туғилганидан бошлабоқ у билан гаплашиш керак. У мени тушунмаябти деб ўйламанг, ўзимнинг ақиллигим, ўзими чиройлигим, мени миттивойим деб эркалатинг. Бола гап охангидан сизниг нима демоқчидингизни англайди. Хўш, бола гаплашиш унга қандай таъсир кўрсатади? Бола билан туғилган вақтиданок мулоқот қилсангиз, бу унинг интеллектуал ва руҳан ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онаси билан суҳбатлашган бола дунёни ижобий қабул қилади. Суҳбатлашиш унинг кўп саволларига жавоб беради. Бола ота-онаси билан гаплашаётганида ота-она бирданга уч ёки тўрт вазифани бажаради. Биринчидан, болани ҳис қилган ҳолда эшитади, болани қизиқтирган саволга жавоб беради, бола гапириб бераётган ҳолатга нисбатан ўз муносабатини билдиради. Агар бола саволларига онасидан жавоб олмас экан, бу унда норозиликнинг кучайишига сабаб бўлади. Болангиз билан бирга кетаётиб телефонда гаплашсангиз, сен билан ниманиям гаплашардим, жим тур, менга савол берма дейиш боланинг ўзига бўлган ишончи сўнишига олиб келади. Суҳбат – бола билан сизни яқинлаштирувчи калит. Боланинг кўнглини очувчи калитдан тўғри фойдаланинг. Ишингиз қанчалик муҳим бўлмасин, бола билан суҳбатлашиш учун вақт топинг. Тарбиячидан болам бугун ўзини қандай тутди, деб сўраманг. Боланинг ўзидан кунинг қандай ўтди, қандай воқеалар содир бўлди, деб сўранг. Ўз саволларига ота-онасида жавоб ололмаётган болада ўзига нисбатан ишончсизлик, камгаплик пайдо бўлади. Ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги учун ҳам у билан мунтазам суҳбатлашиш керак. Бола ўзини тинглайдиган ва у суяниши мумкин бўлган ота-онаси борлигини сезганида ўзини бахтиёр сезади. Суҳбат болада бир қатор ижобий фазилятлар шаклланишига пойдевор боулиб хизмат қилад.

Ота-она бўлиш катта вазифа. Сизга юзланиб гапираётган бола ўз саволига жавоб олмоқчи. Жуда банд бўлсангиз ҳам, уни эшитишга куч топинг. Мулоқотсиз ижобий муносабатларга киришиш мумкин емас. Шунинг учун ҳам болангиз билан кўпроқ гаплашинг. Бола билан мулоқот жарайоронида қуйидаги гапларни ишлатманг:

Мени биров тинч қўй. Болангиз Сизнинг ёнингизга келиб елкангизга бошини қўйса, бор, ҳозир сен билан гаплашолмайман, ма, манови телефонни ўйнаб тур, деманг. Бола бу ишингиздан кейин тамагир боўлиб қолади “Вақтим йўқ”, ойнаб “мени тинч қўй” деган гаплами ҳеч қачон айтманг. Бола ўзини кераксиз эканман деб ўйлаб қолади.

“Барибир эпполмайсан” каби бу сўзлар билан боланинг ўзига бўлган ишончини йўқотиб қўясиз. Бунинг ўрнига кел, мен сенга ёрдамлашаман, иккаламиз бирга бирпасда бажариб қўямиз, деб айтинг.

Ҳақорат қилманг. Бола ота-онаси айтган ҳамма гапга ишонади. Агар кўргоқ, бир ишни эппомайди деган деб баҳо берсангиз, ўзингиз билмаган ҳолда унга шу дастурни ўратган бўлиб қоласиз. Бола ножўя иш қилиб қўйса, унинг ўзини емас, балки ўша ҳаракатини баҳоланг. Ўзингиз истамаган ҳолда болага нотўғри дастури ўрнатиб қўйманг.

Хулоса: Болаларда нима учун “Мен” тушунчасини шакллантириш керак. Чунки болада “Мен” шаклланмаган бўлса, у бола келажакда ўз ўрнини топишига қийланади ва ўз фикирини тўлақонлик етказишга иккиланиб нотоғри гапириб қўйсамчи, устимдан кулушсачи, деган хаёллар ўтади ва келажакда раҳбарлик қила олмайди ва

бола ёшлигиданок кўрқоқ, фақат ота онаси айтганини қилиб шунга ўрганиб қолади ва мустақил бирон бир иш қила ололмайдиган бўлиб қолиши ҳам мумкун.

Болада “Мен”и шаклланмаганлигини ота –она асосий сабабчи бўлиб қолади, чунки бола болаликда кўп савол берадиган бўлишади, бу эса яхши, бунда бола атроф оламини танишаётган бўлади, ва катталардан, ота- онаси, ёки опалари ёки тарбиячилардан сўрай бошдади. Бу нима? Буни нима қилса бўлади? Бу нима учун турибди? Шу нарсани мен ҳам қилиб кўрай? каби шунга ўхшаш саволлар бера бошлайди, шунда катталар ёки ота- оталар шунга ўхшаш саволларга болага: “Бор, хозир ишдан чарчаб келганман, мени бироз тинч қўй, ёки бор, бошқасидан сўра”- дея гапиришади ёки ота-онасини олдига бориб гапирмоқчи бўлса, ота- она :”Мен хозир бандман, мени тинч қўйгин, ма монови телефонни ўйнаб тургин”-, дийишади ва бола озини кераксиз эканман деб ўйлайди ва ташқи оламдан кўнгли совиб, вертуал оламда ўз ўрнини топишга ҳаракат қила бошлайди ва бола кўп вақтини вертуал оламдаги ўйинлар ўйнаб, кўп вақтини ҳар хил фойдасиз ўйинларга, яъни ўғил боллар отишма ёки хозирда энг долзарб булган “ПУБГ” деб номланган ва шунга ўхшаш зарарли ўйинларга ўзини бағишлайди ва бола жирраки, асабий, кўпол ота -онасига гап қайтарадиган, бўлиб қолиши мумкин ва бу вертуал олам уни онгини захарлаши мумкун ва соғлигига яъни кўриш қобилияти пасайишига ва хотирасини сусайишига олиб келади.

Асло фарзандигизни ҳақорат қилманг, бола ота-онаси айтган ҳамма гапга ишонади, кўрқоқ, бир ишни эплломайдиган, деб баҳо берсангиз ўзингиз билмаган холда шу дастурни ўрнатиб қўйган бўласиз ва шунда бола мен эплломас эканман, мени кўлимдан ҳеч нарса келмайдикан, деб онгига синдириб олади ва ўзига бўлган ишончи йўқолади ва бола кўрқоқ бўлиб қолади ва одий оссон ишни ҳам қила олмайдиган қаноатсиз бўлиб етиши мумкун.

Бола ноҳўя иш қилиб қўйса унинг ўзини эмас, ўша ҳаракатини баҳоланг, яъни бу иш нотоғри, бу ишни оқибати яхши бўлмаслигини айтинг ва бу ишни қайтиб қилмасанг, мен сени кечираман ва жазоламайман дийишигиз ҳам мумкун.

Фарзандигизга кўпроқ олтинга тенг бўлган сўзларни айтиб туринг, масалан “Сен қила оласан, мен сенга ишонаман, агар қила олмасанг бундан хафа бўлмагин, бу сенга дарс бўлсин кейинги сафар эҳтиёткор бўласан, мен сени жудаям яхши кўраман ва мен ишонаманки, сен келажакда етук фарзанд бўлиб бизнинг фахримиз бўлишинга чин дилдан ишонамиз”, каби сўзлар тез -тез айтиб туринг, шунда бола ўзига ишончи ошади ва ўз “Мен”и шаклланиб бўшлайди ва бола ўзи мустақил қарор қабул қила бошлайди.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Психолог китоби, Ғоя муаллифи : Зухра Розиева Муаллифлар: Насиба Эрхонова, Шоира Исканова
2.М.А. Махсудова Мулоқот психологияси Т.2006.
3.Махсудова М. Мулоқот психологияси. Тошкент. 2011
4.Каримова В.М. Ижтимоий психология. Тошкент. 2007
5.Е. Ғозиев Ижтимоий психология. Т.: ЎзМУ, 2013.
6.Д. Мамарасулов Имо ишоралар сирини. Т.2016